

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири ўринбосари**



_____ **Ж. Аbruев**
_____» _____ **2022**йил

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиясини бошқариш,
ҳисоблаш захира маркази, омборхона ва архиви биносидаги муҳандислик
ускуналари (совутиш ва ҳаво айланиш тизими, электр ва сантехника
ускуналари)га техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш ишлари
бўйича энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари**

Тошкент-2022 йил

МУНДАРИЖА

- I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II-боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар
- III-боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби
- IV-боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби
- V-боб. Энг яхши таклифларни танлашда натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби
- VI-боб. Наъмунавий ҳужжатлар шакли ва Шартнома лойиҳаси

I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома

1.1. Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. **Танлашни ўтказиш шакли:** танлаш иштирокчиларининг таклифлари ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган танлаш <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали очик тарзда ўтказилади.

1.3. **Давлат буюртмачиси:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

1.4. **Харид предмети:** мазкур харид қилиш ҳужжатларини 2-иловасида кўрсатилган техник хусусиятларига доир талабларга мос келувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиясини бошқариш, ҳисоблаш захира маркази, омборхона ва архиви биносидаги муҳандислик ускуналари (совутиш ва ҳаво айланиш тизими, электр ва сантехника ускуналари)га техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш хизматлар кўрсатиш ишлари бўйича танлаш.

1.5. **Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti:** Жами суммаси 72 330 000 сўм.

1.6. **Молиялаштириш манбаи ва валютаси:** буюртмачининг ғазначиликдаги тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси.

1.7. **Тўлов шартлари** шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилади қолган маблағ берилган иш бўйича далолатнома ва ҳисоб фактурага асосан ой давомида тўлаб берилади.

1.8. **Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биноси. Манзили: 100017, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгишаҳар 11а уй.

1.9. **Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:** Ишларни бошқариш департаменти директори Дилшодбек Буланов, тел.: (71) 239-13-64 (71) 239-16-15. Манзили: 100017, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Истилол 29 уй.

1.10. **Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:** таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзилида белгиланган мудатларда топширилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
ЭЪЛОНИ**

Танлашни ўтказиш шакли: танлаш иштирокчиларининг таклифлари танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган танлаш <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали очиқ тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиясини бошқариш, ҳисоблаш захира маркази, омборхона ва архиви биносидagi муҳандислик ускуналари (совутиш ва ҳаво айланиш тизими, электр ва сантехника ускуналари)га техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш хизматлар кўрсатиш ишлари бўйича танлаш.

Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti: Жами суммаси 72 330 000 сўм.

Молиялаштириш манбаи ва валютаси: буюртмачининг ғазначиликдаги тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси.

Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилади қолган маблағ берилган иш бўйича далолатнома ва ҳисоб фактурага асосан ой давомида тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиясини бошқариш, ҳисоблаш захира маркази, омборхона ва архиви биноси. Манзили: 100017, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Янги шаҳар 11а уй.

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Ишларни бошқариш департаменти директори Дилшодбек Буланов, тел.: (71) 239-13-64 (71) 239-16-15. Манзили: 100017, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Истиклол 29 уй.

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт: таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзилида белгиланган мудатларда топширилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
2-илова

Техник хусусиятларига доир талаблар

Харид предмети: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиясини бошқариш, ҳисоблаш захира маркази, омборхона ва архиви биносидаги муҳандислик ускуналари (совутиш ва ҳаво айланиш тизими, электр ва сантехника ускуналари)га техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш хизматлар кўрсатиш ишлари бўйича танлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биносидаги совутиш ва ҳаво айланиш тизими, электр ва сантехника ускуналарига хизмат кўрсатиш ишлари жадвали.

Совутиш ва ҳаво айланиш тизимидаги бажарилиги керак бўлган ишларнинг тавсифи.

Т/р	Совутиш ва ҳаво айланиш тизимидаги ишларнинг тавсифи	Даврийлик
Совутгич машина (чиллер) POWERCIAT2 R-22a, CIAT маркали прецизион тизим махсус совутгич машиналар, канал совутгичига ва марказий фанкойлларга боғланган.		
1	Компрессорлардаги мой босимининг муқобиллик даражасини белгиланган кузатув дарчаси орқали назорат қилиб бориш.	Кунлик
2	Гидроконтурда назорат босимини олдин ва кейинги ифлосланган сеткасимон фильтрини доимий тозалаб бориш	Кунлик
3	Конденсаторларнинг айланадиган ҳаво йўлларида тўсиқлар йўқлигини текшириш	Кунлик
4	Ҳаво совутгичларнинг махсус қовурғаларини (оробрения воздух охлаждаемых) ҳолатини текшириш	Кунлик
5	Конденсатор вентиляторини тебраниш, шовқин учун текшириш.	Кунлик
6	Совутгичнинг контурда совутгич ва мой суюқликларини оқиш нуқталарини текшириш	Кунлик
7	Совутгич контурнинг суюқлик чизиғидаги кўриш ойнаси орқали намлик индикаторининг ҳолатини текшириш	Кунлик
8	Чиллер курулмасини ҳаво тортишни, айланиш оқимини ва босимини назорат қилиш	Кунлик
9	Совутгич хароратини назорат ва параметрини текшириб бориш	Кунлик
10	Тизимдаги хатоларни аниқлаш ва олдиндан уларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш учун носозликлар тарихини кузатиш	Кунлик
11	Узоқ (мавсумий) тўхташ вақтида насосларни қисқа муддатли ишга тушириш	Ҳар ойлик
12	Компрессор магнит стартерларининг ҳолатини текшириш	Ҳар ойлик
13	Механик юқори реле босимини блокировкалаш ва ишлашини текшириш	Ҳар ойлик
14	Компрессорларнинг ишга тушириш ва иш оқимларини ўлчаш.	Ҳар ойлик
15	Насосларнинг ишга тушириш ва элктор энергия оқимларини текшириш	Ҳар ойлик
16	Фаза кучланишининг оғишини текшириш	Кунлик

17	Мембрананинг яхлитлигини, сув контурида кенгайтириш бакларида ҳаво (газ) босимини текшириш	хафталик
18	Ёпиш клапинлари ҳолатини текшириш	Кунлик
19	Мавжуд бўлганда компрессор қартерини ва буғланиш иситгичларининг ишлашини текшириш	Ҳар ойлик
20	Бошқарув панелини ифлосланиш учун текшириш, керак бўлганида тозалаш. Бошқарув панели эшик зичлиги маҳкамлигини текшириш	Кунлик
21	Чиллер бошқарув панелининг барча электр уланишларини текшириш	Ярим йилда 1 марта марта
22	Қувурларнинг иссиқлик изоляцияси ҳолатини текшириш.	Кунлик
23	Чиллер буғлатгич мосламасини самарадорлигини текшириш (курулмаларини бошқариш)	Ярим йилда 1 марта
24	Ҳарорат ва босим сенсорларини калибрлаш (термометр манометр)	Ҳар ойлик
25	Компрессорларнинг мой ҳолатини текшириш	Ҳар ойлик
26	Конденсат махсус қовурғаларини (оробрения конденсатор) тозалаш ва ювиш (сиқилган ҳаво, юқори босимли ускуна ёрдамида сув билан тозалаш).	Ярим йилда 1 марта
27	Конденсатор парраклари ҳолатини текшириш (парраклар ва мотор токчаларини маҳкамлаш).	Кунлик
28	Парраклар ҳимоя панжараларининг яхлитлигини текшириш	Кунлик
Ҳаво айлантрувчи ва тортувчи агрегатлари (АНУ)		
1	Ускунанинг таркибий қисмларини синиши, механик шикастланиши ва нотўғри ишлашини текшириш	ҳар икки соатда
2	Электр қуввати талабларга жавоб беришини текшириб бориш	зарур бўлса
3	Тизим кўрсаткичлари ва иш режимларининг диагностикаси, тизим ишлашининг мавжуд хато кодларини текшириш	Кунлик
4	Маҳсулот ишлашининг ҳарорат кўрсаткичларини кондиционернинг паспорт маълумотлари билан таққослаш	Кунлик
5	Иситгичнинг ҳолатини текшири	Ярим йилда 1 марта
6	Совутгич ички ҳолатини текшириш	Кунлик
7	Кондиционернинг дренаж тизимини текшириш	Ярим йилда 1 марта

8	Фильтр элементларини ҳаво ва сув билан тозалаш. Шамоллатиш мосламасининг қувур тизимидаги лой филтрларини текшириш (сув ва гликол усқуналарини).	Ярим йилда 1 марта
9	Ишқаланиш юзаларини ва подшипникларни мойлаш	Зарур бўлса
10	Камарларининг ҳолати ва кучланишини текшириш; керак бўлганда, созлаш, алмаштириш (махсус асбоб)	Ҳар ойлик
11	Двигатель подшипниклари, парракнинг шовқин ва иситиш ҳолатини текшириш (ҳарорат +50С дан ошмаслиги)	Ҳар ойлик
12	Ҳаво филтрининг ҳолатини, ҳаво иситгичи ва ҳаво совутгичининг қанотли юзаси ифлосланишини визуал текшириш.	Кунлик
13	Паррак моторининг ишга тушириш ва истеъмол қилинадиган оқимларини ўрнатишнинг паспорт маълумотларига мувофиқлигини текшириш	Ярим йилда 1 марта
14	Автоматлаштириш панелларида жойлашган автоматлаштириш элементларини текшириш (автоматик ўчиргичлар, контакторлар, вақт релеси, реле, ўрни, трансформаторлар, контроллерлар)	Ярим йилда 1 марта
15	Шамоллатиш мосламасининг совуқ (иссиқлик) даврларининг қувурларида босим ўлчагичлар ва термометрларнинг ишлашга яроқлилигини (механик шикастланишлар, ёриқлар ва бошқалар йўқлиги) текшириш	Кунлик
16	Фавқулудда тўхташ датчиклари ва сигналларининг ишлашини текшириш. а) филтр дифференциал босим ўтказгич б) қайтариладиган сув ҳарорати сенсори с) парракдаги босим фарқининг назорат қилувчи реле д) капиляр музлашдан ҳимоя қилувчи термостат	Ҳар ойлик
19	Ҳаво тўсиқлаш мосламасини ишлашини текшириш (эркин ҳаракланиши, маҳкам ёпилиши), шунингдек электр ҳайдовчи: а) ҳаво олиш ёпгичи б) аралаштириш мосламаси ёпгичи в) иситгични бошқариш мосламаси г) ҳавонинг бошқариш ҳайдаш мосламаси	Ҳар ойлик
20	Шамоллатиш мосламасининг корпусини (ташқи ва ички) тозалаш (чангютгич, нам латта). Парракнинг ишлаш ғилдирагини ҳолатини текшириш (кераклигида тозалаш)	Ярим йилда 1 марта
21	Шамоллатиш мосламаси корпусининг зичлик ленталарини ва маҳкамлагичларини текшириш Томчи ажратгичнинг, дренаж сув тутқичининг ҳолатини текшириш	Кунлик

	(тозалаш кералигида)	
22	Ҳаво иситгичи ва ҳаво совутгичининг қанотларини тозалаш (мавжуд бўлганда), (сиқилган ҳаво билан пуфлаш, сув ёрдамида юқори босимда тозалаш)	Ярим йилда 1 марта
23	Вибрацияга қарши мосламаларини текшириш (кўриқдан ўтказиш)	ҳар куни
Фанкоиллар		
1	Коррозия ва шикастланиш, пайвандланган ва мурватли бирикмаларни визуал текшириш	Кунлик
2	Электр уланишларини текшириш ва агар керак бўлганда уларни тортиш. Масофадан бошқариш пультаини текшириш ва синовдан ўтказиш (агар мавжуд бўлса). Электр тоқини ерланишини текшириш	Ярим йилда 1 марта
3	Иссиқлик ускунасида буғланиш жараёнини текшириш (зарурат туғилганда)	Ярим йилда 1 марта
4	Дренаж насосларининг ҳолатини текшириш	Ҳар икки соатда
5	Парракнинг ғилдирагини ҳолатини текшириш (керак бўлса тозалаш)	Ярим йилда 1 марта
6	Фильтр элементларини ҳаво ва сув билан тозалаш (керак бўлса тозалаш)	Ярим йилда 1 марта
7	Гидравлик боғланмаларнинг сув оқшини текшириш, агар керак бўлса, таъмирлаш ёки алмаштириш	Кунлик
Йиғиладиган пластинка иссиқлик алмашинувчиси. Ҳаво ва кенгайтириш баклари. Ҳар хил насослар		
1	Насоснинг кўринишини текшириш.	Ҳар икки соатда
2	Қўшимчалар ва уланишларни оқиш учун визуал текшириш.	Кунлик
3	Насоси турига қараб зичлигини назорати	Кунлик
4	Муфтларнинг ҳолатини ва зарурият туғилса уларнинг айланишини текшириш	Ҳар ойлик
5	Насоси корпусидаги барча болт ва гайкаларнинг маҳкамлигини текшириш	Ярим йилда 1 марта
6	Насосларда ҳаво етишмаслигини текшириш	Кунлик
7	Ротор айланиш йўлини бошқариш	Кунлик
8	Подшипникларни мойлаш, алмаштириш ёки диагностикаси	Агар керак бўлса
9	Фазали оқим кўрсаткичларини мониторинги	Ярим йилда 1 марта

10	Изоляция ва ўраш қаршилигини кузатиш	Ярим йилда 1 марта
11	Моторнинг исқлик ва ток муҳофазаси кўрсаткичларини тўғрилигини назорат қилиш	Ҳар ойлик
12	Барча контактларни маҳкамлаш	Ярим йилда 1 марта
13	Насос мосламаларининг бошқарув кабиналарида ишлаш параметрлари ва белгиланган кўрсаткичларни назорат қилиш	Кунлик
14	Автоматлаштирилган мосламаларни ишлашини текшириш ва уни турига қараб созлаш амалга оширилади	Зарур бўлса
Электр қурилмаларидаги ишларнинг тавсифи		
Электр тақсимлаш платаларига хизмат кўрсатиш СЧА, СЧО, ССРА, СССТ, СЧО ва бошқалар		
1	Кузатиш текшириш ва электр панелларининг алоҳида қисмларини, шу жумладан бириктирувчи нуқталарни, ҳимоя панелларини ва блокировка қилувчи элементларда назарга тушган носозликларни бартараф этиш (таъмирлаш ёки алмаштириш).	Ҳар икки соатда
2	Панеллардаги чиқиндиларни олиб ташлаш, электр панеллари бўлимларида механик, кимёвий ва вакуум усуллари билан чанг ва қурилиш қолдиқларини йўқ қилиш.	Ярим йилда 1 марта
3	ПТЕЕП стандартлари бўйича асосий ерланиш шинасини текшириш Болтларнинг тортилишини ва пайвандланган алоқа бўғинларининг яхлитлигини текшириш.	Ярим йилда 1 марта
4	Винтли ва болтли уланишлар ва қисқичларнинг сиқишини текшириш, кераклигида, уларни чўзиш (изоляция қилинган асбоб билан кучланишни бартараф этиш).	Ҳар ойлик
5	Электромагнит қурилмалар ва электрон модулларнинг ишлашини назорат текширувини ўтказиш (кўлда, бошқарув кучланишини мажбурий ёқиш): контакторлар, контроллерлар, (датчик) кўрсаткичлари, ўрни, стартерлар ва бошқалар.	Кунлик
6	Электр иншоотининг ҳолатини ташқи визуал текшириш.	ҳар куни
7	Ҳимоя қилувчи мосламаси ва ўтказгичларнинг ҳароратни назорат қилиш	Ҳар ойлик
8	Электр энергиясини ўлчаш мосламасининг ишлашини назорат қилиш.	Ҳар ойлик
9	Ишдан чиққан электр жиҳозларини алмаштириш ёки таъмирлаш (розеткалар, калитлар).	Қабул қилинган ариза

10	Ёритиш мосламаларини таъмирлаш ва бинолардаги электр лампаларни, шунингдек, ён атрофдаги худуддаги ёритиш мосламаларини алмаштириш	Қабул қилинган ариза
11	Электр ускуналари ва электр жиҳозларини таъмирлашнинг техник ҳолатини текшириш, натижаларини ёзма равишда қайд қилиш	Кундалик
12	Фазалардаги электр кучланишларни тақсимлаш қутисида тарқалишини назорат қилиш	Ярим йилда 1 марта
13	Кириш-тарқатиш тақсимлагичларини чангдан тозалаш.	Ярим йилда 1 марта
14	Бузуқ қисмлар ва агрегатларни аниқлаш.	ҳар куни
15	Фавқулатда вазитлар чоғида огохлантирувчи қурулмаларини ишлашини назорат қилиш.	Ҳар чоракда 1 марта
16	Тақсимлагичларини қайта кўриб чиқиш	Ярим йилда 1 марта
17	Ерланиш жиҳозларини текшириш (механик)	Ярим йилда 1 марта
18	Ёритиш ускунасининг ифлосланишини тозалаш.	Ярим йилда 1 марта
19	Электр симларидаги носозликларни бартараф этиш.	Қабул қилди заявка
20	Электр жиҳозларини текшириш ва техник хизмат кўрсатиш, носозликларни бартараф этиш. Таъмир талаб ускуналарни таъмирлаш	Ҳар куни 3 марта ҳар куни
21	Уланишлар, контактлар, электр машиналар, чиқувчи кабеллар ва кириш мосламасининг масофавий ҳароратини ўлчаш	Ҳар ойлик
РУ -0.4 до 1000 В		
1	Уланиш жойларининг мустаҳкамлигини текшириш, механик ҳимоя, айниқса қувурлардан чиқиш жойларида, қурилмаларга кириш ва терминал шитлари, деворлар ва шифтлар орқали ўтиш жойлари;	Ярим йилда 1 марта
2	Контактли уланишларни текшириш, тармоқнинг бутун узунлиги ва алоҳида бўлимлари бўйлаб маҳкамланганлигини текшириш;	Кунлик
3	Ускунани визуал текшириш	Кунлик
4	Эримаслик миқдорини номинал оқимларга ток билан мувофиқлигини текшириш ва керак бўлганда уларни алмаштириш	Ҳар ойлик

5	Ёзувлар ва огоҳлантирувчи плакатларнинг ҳолатини текшириш	Ҳар чорақда 1 марта
6	Қурилмаларнинг иш шароитлари ва талабларга мувофиқлигини текшириш;	Зарур бўлса
7	Қурилмаларни ташқи ва ички ҳолатини текшириш	Кунлик
8	Ёғ оқиши даражасини ва йўқлигини текшириш	Кунлик
9	Барча иситиш мосламаларда қаршилиқ элементларини, контактларни текшириш	Ҳар чорақда 1 марта
10	Бир вақтнинг ўзида ёқиш ва ўчириш ускуналарни ҳолатини текшириш ва тартибга солиш	Ярим йилда 1 марта
11	Эрувчан сақлагичларни алмаштириш	Зарур бўлса
Санитария-техник воситаларга комплекс техник хизмат кўрсатиш вақтида бажарилган ишлар рўйхати		
1	Тозалаш филтрлари, лой коллекторлари, чиқинди йиғувчи баклар, қозонхоналар	Ярим йилда 1 марта
2	Оқмасликни визуал текшириш	Кунлик
3	Иситиш кўтаргичларининг бир хиллигини текшириш	Кунлик
4	Тизимда ҳаво мавжудлигини текшириш, кераклигида ҳавони тизимдан чиқариб ташлаш	Кунлик
5	Тизимни консервация қилиш, режимга ўтиш (ёз-қиш)	Ярим йилда 1 марта
6	Оқиш ва коррозия қарши визуал текширув	Кунлик
7	Иссиқлик изоляцияси қопламасидаги нуқсонларни бартараф этиш	Ҳар ойлик
8	Циркуляция, кучайтиргич, марказий яхлатлаштирадиган (центробежных) насосларнинг ишлашини текшириш	Ҳар 2 соатда
9	Босим ўлчагичлар ва термометрларнинг ишлашини текшириш	Кунлик
10	Насослардаги (сальник) зичлиги ҳолатини текшириш	Ярим йилда 1 марта
11	Ёпиш ва мослаш арматуранинг ҳолатини текшириш	Ярим йилда 1 марта
12	Трубопроводларда фланец бирикмаларида зичлаш прокладкалари, гайкаларни тортиш, болтларни алмашлаш	Ярим йилда 1 марта
13	Дренажнинг мавжудлиги ва иш ҳолатини текшириш	Кунлик
14	Совуқ сув ва иссиқ сув тизимлари учун сув ўлчаш мосламаларининг ишлашини текшириш, кўрсаткичларни олиш	Кунлик
15	Сантехника мосламаларининг бириктирилишини текшириш	Қабул қилинган ариза
16	Сантехника қувурларининг розеткаларини тозалаб туриш	Ярим йилда 1 марта
17	Текшириш Радиаторлар пўлат, қуйма темир, алюминий, биметаллик	Ҳафталик кировчи ариза

18	Шланглар; сифонлар; ревизиялар; тўхтатиш клапанлари; фильтрлар; сальниклар	Қабул қилинган ариза
19	ПВХ қувурларни сув оқишига текшириш; полипропилен; металл-пластмасса; металл	Кунлик кирувчи ариза
20	Фильтрларни, лойга қарши мосламаларни тозалаш	Ярим йилда 1 марта
21	Чиқиш жойидан қудуққача ички канализация эритма билан тозалаш	Қабул қилинган ариза
22	Ҳожатхонанинг резина манжетини алмаштириш	Қабул қилинган ариза
23	Сантехника мосламаларининг оқиши ёки мослашувчан қувурларини ўзгартириш, розеткаларни ўзгартириш, сифон оқимлари, қувурларни санитария-техник қисмларини ўзгартириш;	Қабул қилинган ариза
24	Санузелларни фойдаланишга яроқлилигини текшириш	Ҳар куни кунига 3 марта
25	Сув иситгичлари	Кунлик
26	Бажарилган ишлар ва келиб тушган аризаларнинг оператив журналинини жорий этиш	Кунлик
27	Ички коммуникация тизимини чиқиндилардан бартараф этиш	Қабул қилинган ариза
28	Ювиш бакларини сошлаш, ювиш бакини пуфакчасини ва резина прокладкаларни алмаштириш, тўла хизмат кўрсатиш	Қабул қилинган ариза
29	Кран-буқсаларни, венти́лларни ўзгартириш	Қабул қилинган ариза
30	Канализация қувурларининг ҳолатини текшириш ва уларнинг бирикмаларининг зичлиги аниқлаш	Кунлик
31	Иссиқлик сув таъминоти қувурларни ва ўрнатилган мосламаларни текшириш	Кунлик
32	Қувурларни ва унга ўрнатилган мосламаларни чанг ва чиқиндилардан тозалликда сақлаш, машина залини озода ва ҳавфсизлик талабларига риоя қилиш	Ярим йилда 1 марта
33	Ишларни бошқариш департаменти талабига асосан ушбу хизмат турига боғлиқ қўшимча ишларни бажариш	

II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Мажбурий шартлар:

а) Тижорат таклифини юборишдан олдин, сайтдаги объектнинг муҳандислик ускуналари билан танишиб чиқиш.

б) Хизмат кечаю кундуз сменада тақдим этилади. Кечаси камида 2 киши (Электромонтёр, сантехник,). Кундузи 5 киши (3-гурух рухсатномаси мавжуд электромонтёр, 3 тоифали чилангар, камида 4 тоифали вентилятсия монтёри, камида 4 тоифали совутгич механики, 4 гуруҳ рухсатномаси мавжуд электромонтёрлар бригадири)

Корхона штат жадвалида қуйдаги мутахассисликлар бўйича дипломга эга бўлган ходимлар бўлиши, узлуксиз электр таъминоти бўйича мутахассис, совутиш ускуналари ва механиклар, энергонадзор аттестатсиясидан ўтган тегишли техник маълумотга эга бўлган муҳандиси ва энергетик.

в) Юқорида санаб ўтилган мутахассисларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқлар нусхаларини тақдим этиш.

д) Камида 3-гуруҳнинг электр хавфсизлиги бўйича электрикларнинг сертификатларининг нусхаларини тақдим этиш.

Е) Юқорида кўрсатилган мутахассисларнинг диплом нусхаларини тақдим этиш. энергонадзорда аттестатсиясидан ўтган хужжат нусхасини тақдим этиш.

г) Хавфсизлик журналининг нусхасини тақдим этиш

х) шунга ўхшаш техник хизмат кўрсатадиган объектлар тўғрисида маълумотларни тақдим этиш.

Ҳар ойлик тўлов муддати келганда бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномага асосан тўловлар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги биносидаги совутиш ва ҳаво айланиш тизими, электр ва сантехника ускуналарига хизмат кўрсатиш ишлари бўйича техник топширик.

Ишнинг мақсади :

-Юқоридаги тизимларни техник эксплуатация қилиш қоидалари риоя этилишини таъминлаш ва уларнинг ишончли, тежамкор ишлашини таъминлаш;
- ускунанинг самарадорлигини ошириш имкониятларини топиш;
- микроклимнинг керакли параметрларини таъминлаш учун жиҳозларни янгилаш йўллари топиш.

Таъмирлаш ишларининг якуний натижаси:

Бинонинг кўрсатилган муҳандислик тизимларини туну-кун иш ҳолатида сақлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш

- Ишларни бажариш муддатлари _____ 202__ дан _____ 202__ йилгача

Ишга қўйиладиган талаблар:

- Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар амалдаги СНиП, СанПиН, ТУ, хавфсизлик қоидалари, ёнғин хавфсизлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

- Иш сифати барча амалдаги талабларга жавоб бериши керак.

Пудратчи бажарилган ишларнинг малакали техник бошқарувини, шунингдек буюртмачи корхонасида ишларни бажариш учун масъул бўлган ходимларнинг иш тартибига риоя этилишини таъминлаши шарт. Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар корxonанинг асосий фаолиятининг тартибини бузмаслиги керак.

Мижоз томонидан носозлик вужудга келганлиги тўғрисида хабар берилиши билан пудратчи таъмирлаш ишларини олиб бориш учун ишчи гуруҳини 30 дақиқа ичида объектга етиб келишини таъминлайди. Ускуналар музлаган тақдирда муздан ҳалос этиш, ускунанинг ҳаддан ташқари қизиб кетиши, муҳандислик коммуникация ускуналари узилиши, вентиляция ускунасининг, электр жиҳозларининг, ва мижознинг корхона балансида бўлган бошқа жиҳозларнинг шикастланишига олиб келишига йўл қймасликни таъминлаш.

- Барча муҳандислик тизимлари Пудратчи томонидан СНиПам, СанПиНам, қоидалар, техник фойдаланиш учун тегишли жорий ускуналар ишлаб чиқарувчиларнинг кўрсатмалари ва техник хужжатларига мувофиқ фойдаланиши керак.

- 2-иловада кўрсатилган барча ишлар юқори сифатли ва кечаю кундуз бажарилиши керак.

4. Ишларни ишлаб чиқариш хусусиятлари

- Бажарилиши керак бўлган барча ишларнинг рўйхати буюртмачининг иш учун масъул вакили билан келишилган бўлиши керак.

- Улар тугаганидан кейин барча ишлар Пудратчининг Кунлик журналида акс эттирилади ва ҳар ой бажарилган ишлар далолатномаси билан тузилади, унинг асосида счёт-фактура расмийлаштирилади.

- Текшириш журнали ва иш журналини юритиш ва мунтазам буюрмачи масул ходимга кузатув назорат учун тақдим этиш.

- Иш сифатсиз бажарилган тақдирда барча нуқсонлар ва унинг асоратлари пудратчи томонидан бартараф этилади.

5. Пудратчига қўйиладиган талаблар

-Тегишли малакага эга кадрлар мавжудлиги.

Эслатма:

Шартнома бўйича ишларнинг қийматини ҳисоблаш суғурта харажатларини, божхона тўловларини, солиқларни, йиғимларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, шу жумладан ишларни бажариш доирасида юзага келадиган барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. шартнома.

Ишларнинг нархи техник топшириқда, иш жадвалида кўрсатилган барча ишларни ўз ичига олади.

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

АРИЗА

Биз, қуйида имзо чекувчилар (*танлаш иштирокчисининг номи кўрсатилади*) товар етказиб бериш учун (*таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади*) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ товар етказиб бериш бўйича иштирок этиш учун ўз истагимизни билдирамыз. Шу муносабат билан танлаш <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали қуйида келтирилган ҳужжатларни йўлламоқдамиз:

1. Таклифининг техник қисми;
2. Таклифининг нархга оид қисми;
3. Бошқа ҳужжатлар (*бошқа ҳужжатлар тақдим этилганда уларнинг номи ва варақлари сонини кўрсатиши талаб этилади*).

Таклифини тайёрлаш учун жавобгар шахснинг Ф.И.Ш.:

Телефон/факс рақами: _____

Электрон почта манзили: _____

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

М.Ў.

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Мазкур хатни йўллаш орқали сизга ушбу ташкилот (ташкилотнинг номи кўрсатилади):

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги;
- аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигининг мавжуд эмаслиги;
- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз.

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

М.Ў.

III -боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби

3.1. Танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрланиши лозим. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

3.3. Иштирокчиларни таклифи матни бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафовутлар юзага келган тақдирда, ўзбек ёки рус тиллари устунликка эга бўлади.

3.4. Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига ҳам рухсат берилади. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

3.5. Буюртмачи ташлаш иштирокчиларидан харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

3.6. Иштирокчи ҳужжатлар тўпламини танлаш <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали топшириши керак.

Тўпланда (техник қисмга оид ва нархга оид таклифлари) бўлиши керак.

3.7. Иштирокчининг таклифи <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали электрон тарзда қабул қилинади.

3.8. Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Таклиф иккита қисмдан ташкил топади:

1) техник қисм буюртмачининг техник талабларига мос бўлиши ва таклиф этилаётган товар (иш, хизмат) ҳақида тўлиқ маълумотни акс эттириши керак;

2) нарх қисми танлаш шартларига мувофиқ бўлиши ҳамда қуйидаги маълумотларни акс эттириши лозим:

- товар (иш, хизмат) тури;
- етказиб бериладиган товар (бажариладиган ишнинг, кўрсатиладиган хизматнинг ойлик) донасини нархи;
- жами қиймати;
- тўлов шартлари;
- таклифни амал қилиш муддати;
- қўшилган қиймат солиғи баҳоси ва ҳ.к.

Танлаш таклифи қуйидаги усулда расмийлаштирилади:

Электрон тарзда <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали ;

техник қисмга оид таклиф;

нарх қисмига оид таклиф.

Жўнатилган тижорат таклифида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- танлаш предметининг номи;
- иштирокчининг номи ва манзили;
- буюртмачининг номи ва унинг манзили;

3.9. Техник қисм таклифида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

товар ишлаб чиқарувчи завод томонидан берилган ишончноманинг асл нусхаси (агар танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган товар ишлаб чиқарувчиси бўлмаса);

ушбу харид қилиш ҳужжатларини 9-иловасидаги шаклга мувофиқ таклиф қилинган маҳсулот учун техник таклиф ва техник хусусиятларига доир талабларнинг қиёсий жадвали;

асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи заводларнинг Ўзбекистон Республикасида расмий ваколатли хизмат кўрсатиш марказларининг мавжудлиги тўғрисида хат ёки бошқа ҳужжатнинг асл нусхаси, манзил ва бошқа алоқа маълумотларини (телефон, факс, электрон почта, веб-сайт) кўрсатган ҳолда;

техник ҳужжатлар (тақдим этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган рисолалар ёки бошқа ҳужжатлар).

3.10. Танлаш иштирокчиси таклифининг техник қисми муҳр қўйилган ва рақамланган бўлиши керак.

3.11. Танлаш таклифнинг нарх қисми ички электрон ҳолда ва харид қилиш ҳужжатларини 10-иловасидаги шаклга мувофиқ нарх таклифи ва нархлар жадвали тақдим этилади.

3.12. Нарх таклифи ва нархлар жадвали муҳр қўйилган ва рақамланган бўлиши керак.

3.13. Харид комиссияси мазкур тартиб талаблари асосида расмийлаштирилган танлаш таклифлари электрон таризда жўнатилиши, сақланишини ва бир бутунлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3.14. Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

3.15. Танлаш таклифи харид ҳужжатларида белгиланган муддат давомида амал қилади. Иштирокчиларнинг танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида **30 кунни** ташкил этиши керак.

3.16. Харид комиссияси танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш

тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

3.17. Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

Харид қилиш ҳужжатларига
9-илова

№ _____ -ЛОТ

ТАНЛАШНИНГ ТЕХНИК ТАКЛИФИ

КИМГА: харид комиссиясига

Жаноблар!

Биз, қуйида имзо чекувчилар (*танлаш иштирокчисининг номи кўрсатилади*) ўтказилаётган харид ҳужжатлари олганлигимизни тасдиқлаган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун (*таклиф этилаётган товар номи, марка ва модели кўрсатиб ўтилади*) кўрсатилган ҳужжатлар асосида ва _____ миқдорларда етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг таклифимиз қабул қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун харид ҳужжатларида келтирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) мудатлари асосида товарларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Бизнинг _____

(_____) сўм закат пулимиз Шартнома шартларининг бажарилиш якунига қадар ва биз томонимиздан шу каби Шартнома шартларининг бажарилишига кафолат сифатида Буюртмачи ихтиёрида туради.

Биз танлаш таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 90 (тўқсон) кун давомида ушбу танлаш таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- таклиф этилаётган маҳсулот техник тавсифининг таққослама жадвали ___варақда.

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводдан олинган ишончноманинг асл нусхаси (танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган маҳсулот ишлаб чиқарувчиси бўлмаган ҳолларда тақдим этилади).

- хизмат кўрсатиш марказининг функцияларини бажарувчи ва эҳтиёт қисмлар омборига эга бўлган ташкилот билан тузилган шартноманинг нусхаси ёки шартнома имзоланганидан кейин 30 кун ичида хизмат кўрсатиш маркази ва омборни ташкил этиш бўйича шайлигининг ёзма тасдиғи;

- техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорт, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳ.к.лар, ёки таклиф этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ тавсифи берилган бошқа ҳужжатлар).

(ваколатли шахсининг имзоси)

(Ваколатли шахсининг исми ва лавозими)

М.Ў.

Сана: " ___ " _____ 20___

Таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали

Танлаш _____ (танлаш рақами ва санаси кўрсатилади)

№	Параметр номи	Техник хусусиятларига доир талабларига мувофиқ кўрсаткич	Иштирокчининг таклифига биноан кўрсаткич	Кафолат муддати	Изоҳ (мос/мос эмас)
1					
2					

Иштирокчи раҳбари ёки ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва имзоси

М.Ў.

Харид қилиш ҳужжатларига
10-илова

НАРХ ТАКЛИФИ

(Харид предметини номи кўрсатилади)

Сана: (танлаш таклифи берилган сана кўрсатилади).

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуйида имзо чекувчилар, харид қилиш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, маҳсулотни ишлаб чиқиш (етказиб бериш) жараёнида ечимини топиши керак бўлган муаммолар билан танишиб чиққанлигимизни маълум қиламиз.

Барча талабларни ўрганиб чиқиб, маҳсулотларни қуйида келтирилган танлаш шартларига асосан етказиб беришни таклиф этамиз:

- тўлов шартлари - _____;
- хизмат кўрсатиш (етказиб бериш) шартлари - _____;
- хизмат кўрсатиш (етказиб бериш) муддатлари- _____;

Етказиб бериладиган товарнинг (базариладиган ишларнинг, кўрсатиладиган хизматларнинг) умумий қиймати _____ (танлаш таклифининг умумий қиймати сон билан ва ёзма кўринишида ҳамда тўловнинг валюта шакли кўрсатилган ҳолда бўлади) ташкил этади ва танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган нархлар жадвалида акс эттирилади.

Биз танлаш таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб, 30 кун давомида мазкур таклиф тартибига амал қилишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатиб ўтилган муддат тугагунига қадар исталган вақтда қабул қилиниши мумкин. Биз харид комиссияси энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигини, балки баҳолашнинг энг яхши кўрсаткичлари ва мезонларига асосланиб қарор қабул қилишини яхши тушунамиз.

Сана: «__» _____ 202 г.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва имзоси

М.Ў.

Етказиб бериладиган товарларнинг нарх жадвали

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирилиги.	Микдори	Ишлаб чиқарувчи мамлакат, шлаб чиқарувчи заводнинг ном	СІР шартларига кўра бир дона маҳсулот нархи	СІР шартларига кўра микдорга асосан маҳсулот қиймати
1						
2						

IV -боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби

4.1. Таклиф таминоти таъминланмаган иштирокчиларни таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

4.2. Иштирокчиларни нарх қисмига оид таклифлари техник қисмга оид таклифлари техник хусусиятларига доир талаблар мос бўлган камида икки нафар иштирокчиларнинг таклифлари мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқилади ва баҳоланади.

4.3. Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда таклифларни қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш учун йиғилиш ўтказиладиган вақтни белгилайди ва бу тўғрисида йиғилиш ўтказилишидан камида бир иш куни олдин иштирокчиларни хабардор қилади.

4.4. Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг таклифи харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

4.5. Баҳолаш пайтида харид комиссияси иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

4.6. Танлаш иштирокчилари таклифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида таклиф қиймати тижорат таклифи кўрилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ягона валюта курси бўйича қайта ҳисобланади.

4.7. Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, таклифини рад этиш ёки келгусида кўриб чиқишнинг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

4.8. Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг таклиф этаётган нархларини объектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

4.9. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

4.10. Иштирокчиларни таклифлари жўнатилган техник ва нарх қисмига оид тижорат таклифларини кўриш жараёни буюртмачи томонидан электронт таризда амалга оширилади.

4.11. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

4.12. Иштирокчиларнинг таклифлари харид қидиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси комиссия аъзолари ва мустақил экспертлардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гуруҳ тузишга ҳақли.

4.13. Биринчи босқичда иштирокчи таклифининг техник қисми баҳоланади. Танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш тўғрисида харид комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилиб, унда танлашнинг биринчи босқичини баҳолаш натижалари кўрсатилади.

4.14. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси ёки мутахассислар иштирокидаги ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланиши мумкин. Бунда, ишчи гуруҳи томонидан баҳоланганда харид комиссиясига хулоса шаклидаги ҳисобот тақдим этилади.

4.15. Харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник хусусиятларга доир талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларини 11-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди ва биринчи босқичдан ўтган иштирокчилар аниқланади ва бў бўйича харид комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

4.16. Танлашнинг биринчи босқичи ғолиблари танлашнинг иккинчи босқичига қўйилади.

4.17. Танлашнинг иккинчи босқичида таклифнинг нархга оид қисми очилади ва баҳоланади. Харид комиссиясининг танлаш таклифининг нархга оид қисмини баҳолаш бўйича қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённомада танлашнинг иккинчи босқичи ғолиби аниқланади. Танлашда нархи бошланғич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

4.18. Иштирокчиларни таклифларини очишда, иштирокчиларнинг номлари, товарларнинг нархи ва таклиф қиймати, шунингдек ушбу харид ҳужжатлари талабларига мувофиқ, танлаш таклифининг нарх қисмига оид ҳужжатларнинг тўлдирилишининг тўғрилиги эълон қилинади.

4.19. Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

4.20. Харид комиссияси иштирокчиларни нархга оид таклифини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларини 12-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди ва иккинчи босқичдан ўтган иштирокчиларни аниқлайди ва харид комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

4.21. Иштирокчиларни техник қисмга оид таклифларини баҳолашда уларнинг тўплаган баллари 1.70 баравар оширилган миқдорда қўлланилади ҳамда нархга оид таклифларини баҳолашда уларнинг тўплаган баллари 1.40 баравар оширилган миқдорда қўлланилади (харид қилиш ҳужжатларини 13-иловаси).

4.22. Биринчи ва иккинчи босқич натижаларига кўра харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида ҳамда иштирокчиларнинг тўплаган балларини инобатга олиб шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

4.23. Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

4.24. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари ҳақидаги ахборотларни қайд этади.

4.25. Баённома танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

4.26. Иштирокчиларнинг таклифни таъминлаш маблағи, ғолиб аниқлангандан сўнг 3 кун мобайнида қайтарилади.

4.27. Ғолиб иштирокчининг таклифни таъминлаш маблағи, шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан сўнг 3 кун мобайнида қайтарилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
11-илова

1 босқич. Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш.

Танлаш таклифларининг техник қисмга оид ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Техник баҳолашдан ўтмаган (балл бериш яқунлари бўйича 0 балл олган) танлаш таклифлари кейинги босқичга қўйилмайди.

Техник баҳолаш мезонлари харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан баҳоланади.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1	Харид қилиш ҳужжатларининг техник қисми талабларига мувофиқлиги	Мувофиқ бўлса – 20 баллгача	Техник баҳолаш бўйича ишчи гуруҳ томонидан баҳоланади. Жиддий номувофиқликлар аниқланган тақдирда ишчи гуруҳ томонидан таклифни рад этиш бўйича танлаш комиссиясига таклиф киритилади
2.	Ишлаб чиқарувчининг ишончномаси	Мавжуд – 10 балл Мавжуд эмас – 0 балл	Агар мавжуд бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг

			таклифи рад этилиши мумкин
3.	Хизмат кўрсатиш марказининг мавжудлиги	Мавжуд – 10 балл Мавжуд эмас – 0 балл	Агар мавжуд бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин

Харид қилиш ҳужжатларига
12-илова

2 босқич. Таклифларни нарх жиҳатдан баҳолаш

Харид комиссияси томонидан техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг, танлаш таклифининг нарх қисмига оид ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Нарх жиҳатдан баҳолаш мезонлари харид комиссиясининг хар бир аъзоси томонидан баҳоланади.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Энг паст нарх	Энг юқори – 20 балл Энг паст – 0 балл Энг паст нарх энг юқори баҳоланади. Энг юқори нарх энг паст баҳоланади.	Бунда баллар кўлами иштирокчиларнинг таклифлари сонига қараб шакллантирилади.
2.	Тўлов шартлари	Энг юқори – 10 баллгача Энг паст – 0 балл	Харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлиши лозим.
3.	Етказиб бериш муддати	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган муддатда – 10 балл;	Бунда, белгиланган муддатдан кўп муддат кўрсатилган таклифлар рад этилади.

		Кўрсатилган муддатдан олдин таклиф этилса ҳар 1 ҳафта учун 1 баллдан қўшиб берилади.	
--	--	--	--

Харид қилиш ҳужжатларига
13-илова

ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Мезон номи	Тўплаган бали	Ошириладиган миқдори	танлаш иштирокчиси номи	
1.	Техник жиҳатдан баҳолаш натижаси	28	1.50		
2.	Нарх жиҳатдан баҳолаш	30	1.40		
Жами баллар					

VI -боб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби

6.1. Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

6.2. Харид комиссиясининг қарорига кўра ғолиб деб топилган иштирокчига харид комиссиясининг ёзма кўринишдаги хабарномаси етказилади.

6.3. Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

6.4. Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларини 13-иловасида кўрсатилган шаклда тузилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
13-илова

V. ШАРТНОМА ШАКЛИ -сонли шартнома

Ўзбекистон Республикаси _____ тўғрисида

Тошкент шаҳри

20__ йил “__” _____

_____ номидан низом асосида
иш юритувчи _____ бир томондан (бундан буён
матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда Ҳукумат уйдан фойдаланиш бошқармаси номидан низом
асосида _____ иш юритувчи _____
_____, иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб
юритилади) қуйдагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси биносидаги компьютерлар ва компьютер техникаларига хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:
- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
 - лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйдагиларни талаб қилиш:
 - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
 - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
 - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.
- 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:
- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
 - ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.
- 2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:
- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
 - буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;
- 2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:
- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
 - агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси _____ (_____) сўм, ҚҚС билан (ҚҚС сиз).

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампда кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдориди жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдориди жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, zilзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадilar. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

Р/с: _____

Буюртмачи:

Р/с: _____

Л/с: _____

Банк реквизитлари: _____

Банк реквизитлари: _____
МФО _____
ИНН: _____
ОКЭД: _____

МФО _____
ИНН: _____
ОКЭД: _____

Буюртмачи:

Буюртмачи:

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товар (иш, хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1		_____	_____

Бажарувчи:

Р/с: _____

Банк реквизитлари: _____

МФО _____

ИНН: _____

ОКЭД: _____

Буюртмачи:

Р/с: _____

Л/с: _____

Банк реквизитлари: _____

МФО _____

ИНН: _____

ОКЭД: _____

Буюртмачи:

Буюртмачи:
